**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI**

# BUYRUQ

20 22yil " 20 " iyun 182- ICH son Toshkent sh.

**Davlat organlari va tashkilotlari faoliyatining ochiqlik darajasini oshirish va baholash tizimini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 14-iyundagi "Davlat organlari va tashkilotlari faoliyatining ochiqlik darajasini oshirish va baholash tizimini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-154-son Farmoni ijrosini ta'minlash maqsadida,

**BUYURAMAN:**

**1.** O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 14-iyundagi "Davlat organlari va tashkilotlari faoliyatining ochiqlik darajasini oshirish va baholash tizimini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-154-son Farmoni ma'lumot uchun qabul qilinsin.

**2. Vazirning Axborot siyosati masalalari bo'yicha maslahatchisi (M.Mirzayeva),** Vazirlik markaziy apparati, Qoraqalpog'iston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar Bandlik bosh boshqarmalari hamda tasarrufiy tashkilotlar mazkur **Farmonga asosan 2022-yil 1-avgustdan boshlab:**

Davlat byudjeti, shuningdek, xalqaro moliya institutlari mablag'lari hisobidan moliyalashtiriladigan loyihalar, shu jumladan istiqbolli investitsiya va infratuzilma loyihalari bo'yicha ularning asosiy texnik ko'rsatkichlari va boshqa loyiha hujjatlari to'g'risidagi ma'lumotlar ochiq ma'lumotlar sifatida joylashtirilishi kerak bo'lgan ijtimoiy ahamiyatga molik ma'lumotlar ro'yxatiga kiritilganligi inobatga olgan holda ochiqlik bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlarning samaradorligi va natijadorligini baholashga qaratilgan **Ochiqlik indeksi joriy etsin.**

3. **Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi faoliyatining ochiqligini monitoring qilish va baholash bo'yicha metodika** 1-ilovaga va muvofiq tasdiqlansin.

4. **Ochiqlik indeksi indikatorlari uchun ma'sul etib quyudagilar belgilansin:**

davlat organlari va tashkilotlarida ochiqlikni ta'minlashga mas'ul bo'lgan xodimlar faoliyatining samaradorligi baholash – **Vazirning birinchi o'rinbosari (E.Muxitdinov);**

Bandlik va mehnat munosbatlari vazirligi rasmiy veb-saytlarida axborotlarni joylashtirish va elektron davlat xizmatlari ko'rsatish holati – **Vazirning Axborot siyosati masalalari bo'yicha maslahatchisi (M.Mirzayeva), Mehnat sohasidagi loyihalarini boshqarish markazi (E.Gorbunova)** va **Elektron hukumatni joriy etish ishlarini muvofiqlashtirish shu'basi (M.Alieva);**

ijtimoiy ahamiyatga molik ma'lumotlarni qonunchilikda belgilangan axborot resurslarida e'lon qilish va jamoatchilik oldida hisobdorlik tizimining yo'lga qo'yilishi - **Vazirning Axborot siyosati masalalari bo'yicha maslahatchisi (M.Mirzayeva);**

byudjet jarayonining ochiqligini ta'minlashga oid ma'lumotlarning rasmiy veb-saytda joylashtirilishi – **Moliyaviy nazorat bo'limi (M.Pulatova), Bandlikka ko'maklashish Davlat jamg'armasi mablag'laridan samarali foydalanish boshqarmasi (A.Toshmatov)** va **Bosh hisobchi (B.Axmadaliev);**

Ochiq ma'lumotlar portalida ma'lumotlar joylashtirilishi – **Mehnat bozori va mehnat migratsiyasi tahlili yig'ma axborot-tahlil departamenti (Sh.Po'latov);**

ommaviy kommunikatsiya texnologiyalarining joriy qilinishi - **Mehnat sohasidagi loyihalarni boshqarish markazi (E.Gorbunova), Elektron hukumatni joriy etish ishlarini muvofiqlashtirish shu'basi (M.Alieva);**

korruptsiya holatlarini barvaqt aniqlash va ularning oldini olishda ochiqlik tamoyillaridan foydalanish holati – **Korrupsiyaga qarshi kurashish "Komplaens nazorat" bo'limi (D.Temirov);**

jamoatchilik kengashi faoliyatining samaradorligi – **Jamoatchilik kengashi (B.Alimuhammedov).**

5. **Mehnat bozori va mehnat migratsiyasi tahlili yig'ma axborot-tahlil departamenti (Sh.Po'latov)** Farmonga asosan amalga oshirilgan ishlar va ko'rilgan choralar ijrosi bo'yicha hisobotlar **har yarim yilda Oliy Majlis Senati majlislarida eshitilishi;**

baholash natijalari e'lon qilingach, **bir oy muddatda** faoliyati "qizil" toifada baholangan rahbarlarining ochiqlik sohasida yo'l qo'ygan kamchiliklari va ularni bartaraf etish bo'yicha rejalashtirgan chora-tadbirlari yuzasidan axborot Vazirlar Mahkamasi Rayosati majlislarida eshitilishi inobatga olinsin.

6. **Davlat mehnat inspeksiyasi (Q.Odinaev), Mehnat standartlari va**

**mehnatga haq to‘lash boshqarmasi (A.Navotniy), Korrupsiyaga qarshi kurashish "Komplaens nazorat" bo‘limi (D.Temirov) va Mehnat bozori tadqiqotlari instituti (M.Xolmuhammedov):**

Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, Axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat bo‘yicha davlat inspektsiyasi, Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi va Adliya vazirligi bilan xamkorlikda ilg‘or xorijiy davlatlar tajribasini chuqur tahlil qilgan holda **ikki oy muddatda** davlat organlari va tashkilotlarining ochiqlikni ta’minlashga mas’ul xodimlari bilan shartnomalar tuzishda qo‘llash uchun tavsiyaviy xususiyatga ega bo‘lgan ochiqlikni ta’minlash sohasida qonunchilik talablarini buzganlik uchun intizomiy javobgarlikni belgilovchi na’munaviy shartlarni ishlab chiqib ma’lumotlarni Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligiga kiritsin.

**7. Mehnat sohasidagi loyihalarini boshqarish markazi (E.Gorbunova), Qoraqalpog‘iston Respublikasi Bandlik va mehnat munosbatlari vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar Bandlik bosh boshqarmalari** va **Elektron hukumatni joriy etish ishlarini muvofiqlashtirish shu‘basi (M.Alieva):**

Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi tizimining hududiy tarkibiy tuzilmalarida ishga qabul qilish jarayonining ochiqligini ta’minlash, jumladan, ishga qabul qilishni ochiq tanlov asosida amalga oshirish hamda tanlov doirasida o‘tkazilgan sinov tadbirlarini internet tarmoqlari orqali real vaqt rejimida kuzatishni joriy etsin.

**8. Vazirlik markaziy apparati tarkibiy bo‘linmalari, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Bandlik va mehnat munosbatlari vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahar Bandlik bosh boshqarmalari hamda tasarrufiy tashkilot rahbarlari:**

Mazkur Farmon asosida fuqarolarning axborotni erkin izlash va olishga doir konstitutsiyaviy huquqlarini amalga oshirish, davlat organlari va tashkilotlari faoliyatining ochiqligi, shaffofligi va hisobdorligini ta’minlash, ularning ochiqlik borasidagi samaradorlik ko‘rsatkichlarini belgilash hamda faoliyatini ilg‘or xalqaro standartlar asosida baholash tizimini joriy etilishida O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining 2021-yil 18-iyundagi "O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 16-iyundagi "Davlat organlari va tashkilotlarining faoliyati ochiqligini ta’minlash, shuningdek, jamoatchilik nazoratini samarali amalga oshirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida"gi PF-6247-son Farmoni ijrosini to‘g‘risida"gi 251-ICh-son hamda O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining 2022-yil 26-apreldagi "Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligida budjet jarayonlarining ochiqligini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi 120-ICh-son buyruqlar inobatga olinsin;

ochiq ma’lumotlar sifatida joylashtirilishi lozim bo‘lgan ijtimoiy ahamiyatga molik ma’lumotlarni puxta va sifatliligini nazorat qilsin va ochiq ma’lumotlar sifatida vazirlik hamda hududiy veb-saytlarga ilovalarda belgilangan tartibda joylashtirib

borilsin;

taqdim etilgan ma'lumotlarni haqqoniyligi va shaffofligi uchun bevosita hududiy va tasarrufiy tashkilot rahbarlari hamda mas'ul tarkibiy bo'linma rahbari shaxsan javobgarligi eslatib o'tilsin.

**9. Vazirning birinchi o'rinbosari (E.Muxitdinov), Vazirning Axborot siyosati masalalari bo'yicha maslahatchisi (M.Mirzayeva)** va **Korrupsiyaga qarshi kurashish "Komplaens nazorat" bo'limi (D.Temirov)**

Ochiqlik siyosatini haqqoniy va shaffof tarzda amalga oshirilishi yuzasidan tegishli davlat organlari va tashkilotlariga taqdim etiladigan Ochiqlikni ta'minlash sohasida amalga oshirilayotgan ishlarning samaradorligi, natijadorligi va tahlillari hamda keng jamoatchilik fikrini o'rganish asosida ochiq e'lon qilinishi lozim bo'lgan ma'lumotlar taqdim etilishi uchun shaxsan ma'sul etib belgilansin.

**10. Moliyaviy nazorat bo'limi (M.Pulatova)** Axborot siyosati masalalari bo'yicha vazir maslahatchisiga taqdim etilayotgan moliyaviy ma'lumotlarni haqqoniyligi hamda shaffofligi ustidan doimiy nazorat o'rnatsin.

**11. Vazirning Axborot siyosati masalalari bo'yicha maslahatchisi (M.Mirzayeva)** doimiy ravishda rasmiy veb-saytlarda va ochiq ma'lumotlar data.egov.uz portalida foydalanish uchun berilgan yer maydonlari va boshqa mol-mulkni davlat-xususiy sheriklik asosida olingan yuridik va jismoniy shaxslar to'g'risidagi ma'lumotlarni ochiq ma'lumotlar sifatida joylashtirilishi kerak bo'lgan ijtimoiy ahamiyatga molik ma'lumotlarni;

litsenziya va ruhsat etish xususiyatiga ega hujjatlarni berishga vakolatli hamda xabarnomalarni qabul qiladigan organning hududlar kesimida ma'sul xodimlari, jumladan, ushbu toifadagi hujjatlarni berishni tashkillashtiradigan tegishli komissiya a'zolari to'g'risidagi ma'lumotlarni "licence.gov.uz" saytida e'lon qilib borsin.

**12. Tashkiliy va ijro intizomi nazorati boshqarmasi (M.To'rabekov)** Mazkur yuklatilgan vazifalar belgilangan muddatlari tegishli ma'sullar tomonidan sifatli va puxta ma'lumotlarga tayangan holda amalga oshirilishi nazoratga olsin hamda topshiriqlar ijro etishda kamchiliklarga yo'l qo'ygan ma'sullarga tegishli intizomiy choralar ko'rish bo'yicha rahbariyatga takliflar kiritib borsin.

**13.** Mazkur buyruq ijrosini nazorat qilishni o'z zimmamda qoldiraman.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI DEVONXONA

**Vazir** **N.Xusanov**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI
ASLIGA TO'G'RI
2022 YIL 20 06

# Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича ишларни самарали ташкил қилишга қаратилган

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| № | Баҳолаш мезонларига асосан амалга оширилиши белгиланган ишлар | Амалга ошириш босқичлари ва муддатлар | | | | | Маълумотлар ҳаққонийлиги ва сифатлилигини назоарт қилиш ҳамда умулаштириш учун маъсуллар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1-босқич | 2-босқич | 3-босқич | 4-босқич | 5-босқич | | |
| | | Методикани **10-бандида кўрсатилган муддатларда** | Ҳар йили **март ойининг 10-санасига қадар** | Ҳар йили **март ойи 20-санасига қадар** | Ҳар йили **апрель ойининг 1-санасига қадар** | Ҳар йили **апрель ойининг 15-санасига қадар** | **Вазирлик марказий аппарати** | **Ҳудудий ва тасарруфий ташкилотлар** |
| **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимлар фаолиятининг самарадорлигини бўйича** | | | | | | | | |
| **1.** | **Матбуот анжуманлари, брифинглар, пресс-турлар, тақдимотлар ҳамда бошқа тадбирлар (тадбирлар)** | Очиқликни таъминлашга масъул ходимлар томонидан маълумотларни Интернет ресурсларига жойлаштириш | Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўзи масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш | Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятининг очиқлик индексини эълон қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларни юбориш | **М.Мирзаева** | **Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари** |
| **2.** | **Ижтимоий тармоқларда онлайн трансляциялар** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **3.** | **Матбуот анжуманлари, брифинглар ва бошқа тадбирларда раҳбарларнинг иштироки** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **4.** | **Ахборотни етказиб бериш шакли (ҳар ойда камида бир марта)** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **5.** | **Ахборотнинг қамрови** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **6.** | **Соҳага оид муаммоларни ёритиш** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **7.** | **Танқидий материалларга муносабат билдиришнинг тезкорлиги** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **8.** | **Тадбирлар ҳақидаги ахборотларнинг расмий веб-сайт, мессенжер ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиниши тезкорлиги** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **9.** | **Раҳбар ёки ахборот хизмати раҳбарининг муайян ахборот воқелиги муносабати билан расмий баёнот бериши** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **10.** | **Хорижий оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиниши** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **11.** | **Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига фаолият очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кўрсатилган муддатларда маълумотларни тақдим қилиш.** | | | | | | **М.Мирзаева Марказий аппарат таркибий бўлинмалари** | |
| **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтларида ахборотларни жойлаштириш ва электрон давлат хизматлари кўрсатиш ҳолати бўйича** | | | | | | | | |
| **12.** | **Қайта алоқа тизимининг самарали йўлга қўйиш** | Очиқликни таъминлашга масъул ходимлар томонидан | Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган Бандлик ва | Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | **М.Мирзаева** | Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, |
| **13.** | **Ташкилот фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш** | | | | | | **А.Абдукаримов** | |
| **14.** | **Ички идоравий ҳужжатларни эълон қилиш** | | | | | | **А.Абдукаримов М.Тўрабеков** | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **15.** | **Ўз кучини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиш** | маълумотларни Интернет ресурсларига жойлаштириш | меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўзи масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш | ҳисоблаш кўрсаткичларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш | фаолиятининг очиқлик индексини эълон қилиш | Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларни юбориш | **А.Абдукаримов** | вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари |
| **16.** | **Тасдиқланган дастурлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиш** | | | | | | **Ш.Пўлатов** | |
| **17.** | **Оммавий тадбирлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиш** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **18.** | **Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиш** | | | | | | **О.Эгамов** | |
| **19.** | **Ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиш** | | | | | | **А.Абдукаримов** | |
| **20.** | **Мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиш** | | | | | | **О.Эгамов** | |
| **21.** | **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиш** | | | | | | **М.Мирзаева Марказий аппарат таркибий бўлинмалари** | |
| **22.** | **Идоравий бўйсунувдаги ташкилотларнинг веб-сайтига ҳаволалар жойлаштириш** | | | | | | **Марказий аппарат таркибий бўлинмалари** | |
| **23.** | **Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиш** | | | | | | **М.Тўрабеков** | |
| **24.** | **Мурожаатларнинг умумлаштирилган натижаларини эълон қилиб бориш** | | | | | | **М.Тўрабеков** | |
| **25.** | **Бошқа расмий веб-сайтлар ва Ҳукумат порталига ҳаволаларнинг жойлаштирилиши** | | | | | | **Х.Эгамов** | |
| **26.** | **Долзарб мавзуларга оид маълумотлар тўпламининг алоҳида бўлимга тизимлаштирилиши** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **27.** | **Матбуот хизмати ва веб-сайт учун масъул бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **28.** | **Маълумотларни бошқа тилларга синхронлаш функцияларининг тадбиқ этиш** | | | | | | **Е.Горбунова** | |
| **29.** | **Расмий веб-сайтнинг мобил версиясини шакиллантириш** | | | | | | **Е.Горбунова** | |
| **30.** | **Янги маълумотлар билан интерактив усулда танишиш имкони мавжудлиги** | | | | | | **Е.Горбунова** | |
| **31.** | **Жамоатчилик фикрини ўрганиш воситаларининг жорий этилганлиги** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **32.** | **Веб-сайтда маълумотларни қидиришнинг соддалаштирилган усуллари мавжудлиги** | | | | | | **Е.Горбунова** | |
| **33.** | **Имконияти чекланган шахслар учун веб-сайтдан фойдаланиш қулайлиги** | | | | | | **Е.Горбунова** | |
| **34.** | **Кўриш қобилияти чекланган шахслар учун веб-сайтдан фойдаланиш қулайлиги** | | | | | | **Е.Горбунова** | |
| **35.** | **Ахборотларнинг санасини кўрсатиш тартибига риоя қилиниши** | | | | | | **Е.Горбунова** | |
| **36.** | **"Онлайн маслаҳатчи" хизматининг ташкил этилганлиги** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **37.** | Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат фаолият очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кўрсатилган муддатларда маълумотларни тақдим қилиш. | | | | | | **М.Мирзаева** | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни қонунчиликда белгиланган ахборот ресурсларида эълон қилиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг йўлга қўйилиши бўйича** | | | | | | | | |
| **38.** | **Ўз фаолиятига оид ҳисоботларни эълон қилиш ҳолати** | Очиқликни таъминлашга масъул ходимлар томонидан маълумотларни Интернет ресурсларига жойлаштириш | Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўзи масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш | Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятининг очиқлик индексини эълон қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларни юбориш | **Ш.Пўлатов** | Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари |
| **39.** | **Ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **40.** | **Ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш ҳолати** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **41.** | **Тасдиқланган иш режалар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **Ш.Пўлатов** | |
| **42.** | **Ҳисобот (ҳайъат) йиғилишлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **М.Тўрабеков** | |
| **43.** | **Мансабдор шахсларнинг харажатлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **А.Тошматов<br>Б.Ахмадалиев** | |
| **44.** | **Автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **Т.Маликов** | |
| **45.** | **Хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **М.Пулатова<br>С.Абдуқаххоров** | |
| **46.** | **Харажатлар сметаси тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **Б.Ахмадалиев<br>А.Тошматов** | |
| **47.** | **Бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар тўғрисидаги маълумотларнингэълон қилиниши** | | | | | | **Б.Ахмадалиев<br>А.Тошматов** | |
| **48.** | **Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **А.Тошматов<br>Б.Ахмадалиев** | |
| **49.** | **Давлат харидини режалаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **А.Тошматов** | |
| **50.** | **Харид комиссияси таркиби тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **А.Тошматов** | |
| **51.** | **Давлат харидларини амалга оширишга оид тартиб-таомиллар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **А.Тошматов<br>Б.Ахмадалиев** | |
| **52.** | **Очиқлик соҳасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **53.** | **Ўзини ўзи баҳолаш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **Ш.Пўлатов** | |
| **54.** | **Очиқлик соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **55.** | **Очиқликни таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **А.Абдукаримоа** | |
| **56.** | **Очиқликни таъминлаш бўйича онлайн сўровнома ўтказиш блокининг ташкил этилганлиги** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| **57.** | **Очиқ маълумотлар тўпламини паспортлаш тартибининг жорий этилганлиги** | | | | | | **Ш.Пўлатов** | |
| **58.** | **Очиқ маълумотлар тўплами ва қайта алоқа самарадорлигини баҳолаш тизимининг жорий этилганлиги** | | | | | | **Ш.Пўлатов<br>М.Мирзаева** | |
| **59.** | Коррупцияга қарши курашиш агентлигига фаолият очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кўрсатилган муддатларда маълумотларни тақдим қилиш. | | | | | | **Д.Темиров** | |
| **Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштирилиши бўйича** | | | | | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **60.** | **Маблағлар тақсимоти тўғрисидаги маълумотнинг эълон қилиниши** | Очиқликни таъминлашга масъул ходимлар томонидан маълумотларни Интернет ресурсларига жойлаштириш | Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўзи масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш | Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятининг очиқлик индексини эълон қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларни юбориш | **А.Тошматов Б.Ахмадалиев** | Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари |
| **61.** | **Капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **С.Абдуқаххоров А.Тошматов** | |
| **62.** | **Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **А.Тошматов Б.Ахмадалиев** | |
| **63.** | **Асосий воситаларнинг харид қилиниши тўғрисидаги маълумотларнингэълон қилиниши** | | | | | | **А.Тошматов Б.Ахмадалиев** | |
| **64.** | **Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг хариди тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **Б.Ахмадалиев** | |
| **65.** | **Қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **М.Пулатова С.Абдуқаххоров** | |
| **66.** | Молия вазирлигига фаолият очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кўрсатилган муддатларда маълумотларни тақдим қилиш. | | | | | | **М.Пулатова** | |
| **Очиқ маълумотлар порталида маълумотлар жойлаштирилишини бўйича** | | | | | | | | |
| **67.** | **Очиқ маълумотлар порталида маълумотлар тўпламининг эълон қилиниши** | Очиқликни таъминлашга масъул ходимлар томонидан маълумотларни Интернет ресурсларига жойлаштириш | Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўзи масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш | Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятининг очиқлик индексини эълон қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларни юбориш | **Ш.Пўлатов** | Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари |
| **68.** | **Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар тўпламининг эълон қилиниши** | | | | | | **Г.Исакова Т.Махмудов** | |
| **69.** | **Геопозицияга боғланган очиқ маълумотлар тўпламининг улуши** | | | | | | **М.Алиева** | |
| **70.** | **Электрон ҳукуматягона идентификаторларига боғланган очиқ маълумотларнинг сони** | | | | | | **М.Алиева** | |
| **71.** | **Очиқ маълумотлар асосида ишлаб чиқилган мобил иловалар сони** | | | | | | **Е.Горбунова** | |
| **72.** | Давлат статистика қўмитасига фаолият очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кўрсатилган муддатларда маълумотларни тақдим қилиш. | | | | | | **Ш.Пўлатов** | |
| **Оммавий коммуникация технологияларининг жорий қилинишини бўйича** | | | | | | | | |
| **73.** | **Қайта алоқанингташкил этилганлиги** | | | | | | **М.Мирзаева** | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 74. | **Мурожаат йўллашнинг интерактив усуллари ташкил этилганлиги** | Очиқликни таъминлашга масъул ходимлар томонидан маълумотларни Интернет ресурсларига жойлаштириш | Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўзи масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш | Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятининг очиқлик индексини эълон қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларни юбориш | **М.Мирзаева** | Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари |
| 75. | **Фойдаланувчилар билан коммуникация тармоғи орқали мулоқот қилиш тизими йўлга қўйилганлиги** | | | | | | **Е.Горбунова** | |
| 76. | **Раҳбар билан бевосита мулоқот қилиш тизимининг ташкил этилганлиги** | | | | | | **М.Мирзаева** | |
| 77. | Коррупцияга қарши курашиш агентлигига фаолият очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кўрсатилган муддатларда маълумотларни тақдим қилиш. | | | | | | **Д.Темиров** | |
| | **Коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишда очиқлик тамойилларидан фойдаланиш ҳолати бўйича** | | | | | | | |
| 78. | **Коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир ички идоравий ҳужжатларнинг очиқ эълон қилиниши** | Очиқликни таъминлашга масъул ходимлар томонидан маълумотларни Интернет ресурсларига жойлаштириш | Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўзи масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш | Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятининг очиқлик индексини эълон қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларни юбориш | **Д.Темиров** | Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари |
| 79. | **Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоҳида алоқа каналлари тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **Д.Темиров** | |
| 80. | **Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш тизими жорий этилганлиги** | | | | | | **Д.Темиров** | |
| 81. | **Коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини белгиловчи ҳужжатларни эълон қилиш даражаси** | | | | | | **Д.Темиров** | |
| 82. | **Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг жорий этилганлиги** | | | | | | **М.Мирзаева Д.Темиров** | |
| 83. | **Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва натижалари ҳақида ҳисобдорлик тизими йўлга қўйилганлиги** | | | | | | **М.Мирзаева Д.Темиров** | |
| 84. | **Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички тартиб-таомилларидан хабардорлиги ҳамда соҳадаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон қилиниши** | | | | | | **Д.Темиров** | |
| 85. | **Кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилган пресс-тадбирларни** (матбуот анжуманлари, брифинг, семинар, тренинг, давра суҳбати, тақдимот, муҳокама ва бошқа тадбирлари) **эълон қилиш даражаси** | | | | | | **Д.Темиров М.Мирзаева** | |
| 86. | **Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида тайёрланган тарғибот материалларини** (слайд, ролик, | | | | | | **Д.Темиров М.Мирзаева** | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | маъруза матнлари, мақола, буклет, рисола ва бошқалар) **эълон қилиш даражаси** | | | | | | | |
| **87.** | Коррупцияга қарши курашиш агентлигига фаолият очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кўрсатилган муддатларда маълумотларни тақдим қилиш. | | | | | | **Д.Темиров** | |
| | **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида жамоатчилик кенгашининг фаолияти самарадорлиги бўйича** | | | | | | | |
| **88.** | **Расмий веб-сайтда жамоатчилик кенгаши ҳақидаги маълумотларнинг жойлаштирилиши** | Очиқликни таъминлашга масъул ходимлар томонидан маълумотларни Интернет ресурсларига жойлаштириш | Баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўзи масъул бўлган индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини мувофиқлаштирувчи органга юбориш | Барча индикаторлар бўйича тўпланган балларнинг ҳисоблаш кўрсаткичларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кесимида умумлаштириб, очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятининг очиқлик индексини эълон қилиш | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Очиқлик индексини ҳисоблаш натижалари ва таҳлилий маълумотларни юбориш | **О.Эгамов М.Мирзаева** | Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари |
| **89.** | **Жамоатчилик кенгашининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилганлиги ҳамда белгиланган тартибда эълон қилинганлиги** | | | | | | **О.Эгамов** | |
| **90.** | **Жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш бўйича белгиланган талабларнинг бажарилиш даражаси** | | | | | | **О.Эгамов** | |
| **91.** | **Жамоатчилик кенгашининг очиқликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришдаги** | | | | | | **О.Эгамов** | |
| **92.** | Коррупцияга қарши курашиш агентлигига фаолият очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кўрсатилган муддатларда маълумотларни тақдим қилиш. | | | | | | **Д.Темиров О.Эгамов** | |